

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 22 » ОКТЯБРЬ 20 18 у.

№ 848

Toshkent sh.

**“Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш  
тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

“Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

**1. Қуйидагилар:**

Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифларини аниқлаш мезонлари ҳамда уни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи томонидан экспертларни аккредитация қилиш тартиби тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ;

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга доир маъмурий ва ташкилий чора-тадбирлар, дастурий-аппарат ва техника воситаларига доир талабларни белгилаш тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш ва ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини аниқлаш бўйича махсус ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

**3. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан бирга бир ой муддатда ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартибини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган вазифаларни сифатли амалга ошириш бўйича кадрларни, ташкилотчиларни тайёрлаш, таълим жараёнига тегишли фанлар (машғулотлар)ни жорий этиш, педагоглар ва ота-оналарда болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш кўникмаларини ҳосил қилишга доир комплекс дастурни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда аҳолининг кенг қатламлари, энг аввало, ёшлар, ота-оналар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ушбу қарорнинг мақсади, мазмуни ва қўлланиши тўғрисида хабардор қилинишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Бош директори Л.Х. Тангриев зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 22 октябрдаги 848-сон қарорига  
1-илова

**Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифларини аниқлаш мезонлари  
ҳамда уни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) болаларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш учун ахборот маҳсулотини ёшга оид таснифлашда ёшга оид таснифлаш мезонлари ва ахборот маҳсулоти экспертизасини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши илмий, илмий-техникавий, статистик ахборотни ўз ичига олган ёки жамият учун тарихий, бадиий ёхуд ўзгача маданий қимматга эга бўлган ахборот маҳсулотининг айланиши соҳасидаги муносабатларга татбиқ этилмайди. Шунингдек, ўқув жараёнида фойдаланишга тавсия қилинган ўқув нашрлари, таркибида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлган нашрлар, атроф-муҳит ҳолати ёки давлат органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот, уяли алоқа хизматлари кўрсатувчи компаниялардан келадиган смс-хабарлар ҳам ушбу Низомнинг қўлланиш соҳасига кирмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ахборот маҳсулоти** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айланиш учун мўлжалланган оммавий ахборот воситалари маҳсулоти, босма маҳсулот, ҳар қандай турдаги ташувчилардаги аудиовизуал маҳсулот, дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда тарқатиладиган, телекоммуникация тармоқларига, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириладиган ахборот, компьютер ўйинлари, шунингдек, томошабоп тадбирлар воситасида тарқатиладиган ахборот;

**тақиқланган ахборот маҳсулоти** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айланиш учун мўлжалланмаган оммавий ахборот воситалари маҳсулоти, босма маҳсулот, ҳар қандай турдаги ташувчилардаги аудиовизуал маҳсулот, дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда тарқатиладиган, телекоммуникация тармоқларига, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириладиган ахборот, компьютер ўйинлари, шунингдек, томошабоп тадбирлар воситасида тарқатиладиган ахборот;

**ахборот маҳсулотининг айланиши** – ахборот маҳсулотини тақдим этиш ва (ёки) тарқатиш, шу жумладан уни сотиш (шу жумладан обуна бўйича тарқатиш), ижарага, прокатга бериш, ахборот-кутубхона муассасалари фондларидан тарқатиш, бериш, оммавий намоён қилиш, оммавий ижро этиш (шу жумладан, эфир ёки кабель узатуви, томошабоп тадбирлар воситасида),

телекоммуникация тармоқларига, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш;

**ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи** – ахборот маҳсулотини унинг мавзусини, жанрини, мазмунини ва бадий беагани, муайян ёш тоифасидаги болалар томонидан ундаги ахборотни қабул қилиш хусусиятларини, унинг таркибидаги ахборотнинг болалар соғлиғига зарар етказиш эҳтимолини инобатга олган ҳолда, болаларнинг ёш тоифалари бўйича тақсимлаш;

**ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси** – ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифасининг график ва (ёки) матнли белгиси;

**болалар** – ўн саккиз ёшга тўлмаган (вояга етмаган) шахслар;

**болаларнинг соғлиғи** – болаларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан соғломлик ҳолати;

**томоша тадбири** – болаларнинг кириши учун очик бўлган ҳамда оиланинг одатдаги даврасига мансуб бўлмаган шахслар кўплаб ҳозир бўлган жойда ахборот маҳсулотини намойиш этиш, жумладан, театр-сахналаштириш, маданий-маърифий ва томоша-кўнгилочар тадбирларни ўтказиш;

**болаларнинг ахборот хавфсизлиги** – болаларнинг жисмоний, руҳий, маънавий ҳамда ахлоқий ривожланишига ахборот орқали зарар етказилиш хавфидан холи, ҳимояланганлик ҳолати;

**болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот** – болалар ўртасида тарқатилиши Қонунга мувофиқ равишда тақиқланган ёки чекланган ахборот маҳсулоти;

**порнография хусусиятига эга бўлган ахборот** – бадий қимматга эга бўлмаган ва илмий, тиббий ёки ўқув мақсадлари учун мўлжалланмаган, одам жинсий аъзоларининг ёхуд одам томонидан ҳақиқатда, хусусан, ғайритабiiй усулда содир этилаётган ёки шунга ўхшатишган жинсий алоқанинг тавсифини ёхуд фото, видео ёки бошқа тасвирини ўз ичига олган материаллар ва буюмлар;

**болаларнинг кириши учун очик бўлган жойлар** – болаларнинг кириши ва (ёки) бўлиши тақиқланмаган жамоат жойлари, шу жумладан, болаларнинг оммавий ахборот воситалари маҳсулотлари ва (ёки) ахборот-телекоммуникация тармоқларида жойлаштириладиган ахборот маҳсулотларидан фойдаланиш имконияти бўлган жамоат жойлари;

**натуралистик тасвирлар ёки тавсифлар** – инсон, ҳайвон, инсон ва (ёки) ҳайвон танасининг алоҳида қисмлари, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик), шунингдек, ҳодисалар ва уларнинг оқибатларини эътиборни майда жиҳатлар, анатомик тафсилотлар ва (ёки) физиологик жараёнларга қаратган ҳолда ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалардан фойдаланган ҳолда тасвирлаш ёки тавсифлаш;

**эксперт** – ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш ва эксперт хулосасини бериш ёки ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга ошириш учун Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида (кейинги ўринларда ЎзМАА деб аталади) аккредитациядан ўтган шахс.

## **2-боб. Ахборот маҳсулотини ёшга оид таснифлаш мезонлари ва уни амалга ошириш**

### **1-§. Ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифалари**

4. Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи уни болаларнинг қуйидаги ёш тоифаларидан бирига киритиш йўли билан амалга оширилади:

етти ёшга тўлмаган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси “0+” ёзувини акс эттириши керак);

етти ёшга тўлган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси “7+” ёзувини акс эттириши керак);

ўн икки ёшга тўлган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси “12+” ёзувини акс эттириши керак);

ўн олти ёшга тўлган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси “16+” ёзувини акс эттириши керак);

болалар учун тақиқланган ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси “18+” ёзувини акс эттириши керак).

5. Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга оширишда:

унинг мавзуси, жанри, мазмуни ва бадий безаги;

муайян ёш тоифасидаги болалар томонидан ундаги ахборотнинг идрок этилиш хусусиятлари;

ундаги ахборотнинг болалар соғлиғига зарар етказиш эҳтимоли баҳоланади.

### **2-§. Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот таснифи**

6. Муайян ёш тоифаларидаги болалар ўртасида тарқатилиши чекланган ахборот маҳсулотлари:

шафқатсизлик, жисмоний ва (ёки) руҳий зўравонлик, жиноят ёки жамиятга қарши бошқа хатти-ҳаракатлар тасвири ёки баёни тарзида тақдим этиладиган;

болаларда кўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган, жумладан, куч ишлатилмаган ўлимни, касалликни, ўз жонига қасд қилишни, бахтсиз ҳодисани, аварияни ёки фалокатни ва (ёки) уларнинг оқибатларини инсон қадр-қимматини камситадиган шаклда тасвирлаш ёки баён этиш тарзида тақдим этиладиган;

жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш тарзида тақдим этиладиган;

уятли сўзлар жумласига кирмайдиган ҳақоратли сўзлар ва ибораларни ўз ичига олган ахборот маҳсулотлари киради.

7. Етти ёшга тўлмаган болалар учун ахборот маҳсулотига (“0+”) болаларнинг соғлиғи ва ривожланишига зарар етказмайдиган ахборотни ўз ичига олган ахборот маҳсулоти (шу жумладан, жанри ва (ёки) сюжетига мувофиқ асосли равишда, эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қозониши ҳамда зўравонлик қурбонига нисбатан раҳм-шафқат ифода этилиши ва (ёки) зўравонлик қораланиши шарти билан жисмоний ва (ёки) руҳий зўравонликнинг (жинсий зўравонлик бундан мустасно) эпизодик, натуралистик бўлмаган тасвири ёки

баёнини ўз ичига олган ахборот маҳсулоти, бошқа ёшга оид тоифага кирмайдиган ахборот маҳсулоти киради.

8. Етти ёшга тўлган болалар учун ахборот маҳсулотига (“7+”) етти ёшга тўлмаган болалар учун ахборот маҳсулоти (“0+”), шунингдек, жанри ва (ёки) сюжетига мувофиқ асосли равишда:

одам касалликлари (оғир касалликлар бундан мустасно) ва (ёки) улар оқибатларининг инсон қадр-қимматини камситмайдиган шаклдаги қисқа мuddатли ва натуралистик бўлмаган тасвирлари ёки баёнини;

бахтсиз ҳодиса, авария, фалокат ёхуд куч ишлатилмаган ўлимнинг уларнинг болаларда кўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотиши мумкин бўлган оқибатлари намойиш этилмаган, натуралистик бўлмаган тасвири ёки баёнини;

жамиятга қарши хатти-ҳаракатлар ва (ёки) жиноят содир этишга ундамайдиган, уларни содир этишга йўл қўйиш мумкинлиги асосланмаслиги ва оқланмаслиги ҳамда уларни содир этаётган шахсларга нисбатан салбий, қораловчи муносабат ифода этилиши шarti билан шундай хатти-ҳаракатлар ва (ёки) жиноятларнинг эпизодик тасвири ёки баёнини ўз ичига олган ахборот маҳсулотлари киради.

9. Ўн икки ёшга тўлган (“12+”) болалар учун ахборот маҳсулотига “0+” ва “7+” ахборот маҳсулоти, шунингдек, жанри ва (ёки) сюжетига мувофиқ асосли равишда:

шафқатсизлик ва (ёки) зўравонликнинг (жинсий зўравонлик бундан мустасно) қурбонига нисбатан раҳм-шафқат ва (ёки) шафқатсизлик, зўравонликка нисбатан салбий, қораловчи муносабат ифода этилиши шarti билан (фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда жамият ёки давлатнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қўлланадиган зўравонлик бундан мустасно) ҳаётдан махрум этиш ёки жароҳат етказиш жараёни натурал кўрсатилмаган эпизодик тасвири ёки баёнини;

жамиятга қарши хатти-ҳаракатлар содир этишга (жумладан, алкоголь ва таркибида спирт бўлган маҳсулотлар, пиво ва унинг асосида тайёрланадиган ичимликларни истеъмол қилишга, қимор ўйинларида иштирок этишга, дайдилик ва тиланчилик билан шуғулланишга) ундамайдиган тасвирни ёки баёнини, наркотик воситалар, психотроп ва (ёки) гангитувчи моддалар, тамаки маҳсулотлари жамиятга қарши хатти-ҳаракатларни содир этишга йўл қўйиши мумкинлиги ва улар қўллаб-қувватланмаслиги ва оқланмаслиги, уларга нисбатан салбий, қораловчи муносабат ифода этилиши ҳамда юқоридаги маҳсулотлар, воситалар, моддалар ва буюмларни истеъмол қилиш хавfli эканига кўрсатма берилиши шarti билан эпизодик равишда тилга олинган (намойиш қилинмаган) ахборотни ўз ичига олган ахборот маҳсулоти киради.

10. Ўн олти ёшга тўлган болалар (“16+”) учун ахборот маҳсулотига “0+”, “7+”, “12+” ахборот маҳсулоти, шунингдек, жанри ва (ёки) сюжетига мувофиқ асосли равишда:

бахтсиз ҳодиса, авария, фалокат, касаллик, ўлимнинг болаларда кўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотиши мумкин бўлган оқибатлари натуралистик равишда намойиш этилмаган тасвири ёки баёнини;

шафқатсизлик ва (ёки) зўравонликнинг (жинсий зўравонлик бундан мустасно) қурбонига нисбатан раҳм-шафқат ва (ёки) шафқатсизлик, зўравонликка нисбатан салбий, қораловчи муносабат ифода этилиши шарти билан (фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда жамият ёки давлатнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қўлланадиган зўравонлик бундан мустасно) ҳаётдан маҳрум этиш ёки жароҳат етказиш жараёни натуралистик равишда кўрсатилмаган тасвири ёки баёнини;

наркотик воситалар ёки психотроп ва (ёки) гангитувчи моддалар тўғрисидаги (уларни кўрсатмасдан), уларни истеъмол қилишнинг хавfli оқибатлари тўғрисидаги бундай воситалар ёки моддаларни истеъмол қилишга салбий ёки қораловчи муносабат ифода этилиши ёки уларни истеъмол қилиш хавfli экани тўғрисида огоҳлантириш мавжуд бўлиши шарти билан шундай ҳолатларни намойиш этувчи ахборотни;

уятли сўзлар жумласига кирмайдиган алоҳида ҳақорат сўзлар ва (ёки) ибораларни;

жинсий муносабатларнинг жинсий алоқага нисбатан бўлган қизиқишдан фойдаланмайдиган ҳамда кўзгатувчи ёки ҳақоратловчи тусга эга бўлмаган эпизодик натуралистик бўлмаган тасвир ёки баёнини (жинсий тусдаги хатти-ҳаракатларнинг тасвири ёки баёни бундан мустасно) ўз ичига олувчи ахборот маҳсулотлари киради.

11. Болалар ўртасида тарқатиш тақиқланган (“18+”) ахборот маҳсулотига:

болаларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига хавф соладиган хатти-ҳаракатларни содир этишга, жумладан, ўз соғлиғига зарар етказишга, ўз жонига қасд қилишга ва шундай ҳаракатларни тарғиб қилишга ундайдиган;

болаларда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиш, қимор ўйинлари, оммавий тартибсизликларда иштирок этиш, фоҳишабозлик, дайдилик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг бошқа шакллари билан шуғулланиш истагини пайдо қиладиган;

одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослайдиган ёки оқлайдиган ёхуд зўравонлик хатти-ҳаракатларини амалга оширишга ундайдиган;

оилавий қадриятларни инкор этадиган, ахлоқсизликни тарғиб қиладиган, шунингдек, ота-онасига ва оиланинг бошқа аъзоларига, теварак-атрофдагиларга нисбатан ҳурматсиз муносабатни шакллантирадиган;

ғайриқонуний хулқ-атворни оқлайдиган ва ҳуқуқбузарлик содир этишга олиб келадиган;

жамиятда бузғунчилик ғояларини тарғиб этишга даъват қиладиган;

уятли сўзларни ўз ичига олган;

порнография хусусиятига эга бўлган ахборотни ўз ичига олган;

ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида жабрланган болалар тўғрисидаги, жумладан, бундай боланинг фамилияси, исми, отасининг исми, ота-онаси ва бошқа қонуний вакилларининг фото ва видеотасвирлари, бундай боланинг

туғилган санаси, унинг овози ёзилган аудиотасма, яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи, ўқиш ёки иш жойи тўғрисидаги, бундай боланинг шахсини бевосита ёхуд билвосита аниқлашга имкон берадиган бошқа ахборотни ўз ичига олган ахборот маҳсулотлари киради.

12. Ёшга оид тоифа белгиси бўлмаган ахборот маҳсулотини тарқатиш тақиқланади.

Ёшга оид тоифа белгиси нотўғри тайинланган ахборот маҳсулоти ёшга оид тоифа белгиси бўлмаган ахборот маҳсулотига тенглаштирилади.

### **3-боб. Ахборот маҳсулотини ёшга оид таснифлаш тартиби**

#### **1-§. Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини белгилаш**

13. Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини белгилаш ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ва (ёки) тарқатувчилар томонидан, шу жумладан, экспертларни жалб этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш бошлангунига қадар ушбу Низомда кўрсатилган мезонларга мувофиқ амалга оширилади.

14. Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини белгилаш эксперт ёки экспертларни жалб этган ҳолда бажарилганда, ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини белгилаш билан боғлиқ хизматлар учун ҳақ тўлаш ва харажатлар ушбу хизматларга буюртма берган ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ёки тарқатувчилар томонидан амалга оширилади.

#### **2-§. Ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгисини жойлаштириш (маркалаш)**

15. Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи тўғрисидаги маълумотлар ушбу маҳсулотга ахборот маҳсулоти ёшга оид тоифасининг тегишли белгисини жойлаштириш (маркалаш) учун асос бўлади.

16. Ахборот маҳсулотини маркалаш унинг ишлаб чиқарувчиси ва (ёки) тарқатувчиси томонидан унга ахборот маҳсулотининг тегишли ёшга оид тоифаси белгисини жойлаштириш орқали амалга оширилади:

“7 ёшгача” – айлана ичидаги “0+” белгиси;

“7 ёшдан” – айлана ичидаги “7+” белгиси;

“12 ёшдан” – айлана ичидаги “12+” белгиси;

“16 ёшдан” – айлана ичидаги “16+” белгиси;

“18 ёшдан” – айлана ичидаги “18+” белгиси.

17. Ахборот маҳсулотининг тоифаси Қонун ва ушбу Низом талабларига мувофиқ белгиланади ҳамда ахборот маҳсулотининг ишлаб чиқарувчилари ёки тарқатувчилари томонидан техник регламентларга риоя этган ҳолда жойлаштириладиган ёшга оид тоифа белгиси билан ифодаланади.

18. Ёшга оид тоифаси турли бўлган бир неча қисмдан иборат ахборот маҳсулоти тарқатилаётганда у энг катта ёшга оид тоифага мос тоифа белгиси билан маркаланади.



19. Ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифа белгиси ўз ўлчамига кўра қуйидагилар майдонининг камида беш фоизини эгаллаши лозим:

театр-томоша, маданий-маърифий, кўнгилочар томоша, кино ва видеонамойиш ёки бошқа томоша тадбири афишаси ёки репертуар эълони, шунингдек, кириш чиптаси, таклифнома ва тадбирга кириш ҳуқуқини берувчи бошқа ҳужжат;

аудиовизуал асар, компьютер ёки бошқа электрон ўйин, компьютер дастури ёки маълумотлар базасининг ҳар бир нусха манбаи (жумладан, компакт диск ёки бошқа электрон манбаи)нинг корпуси ва (ёки) қадоғи (бокс, қути). Компьютер ва бошқа электрон ўйинлардаги белги ёшга оид тоифа тўғрисидаги маълумотлардан ташқари уят сўзлар мавжудлиги, ўйинга қарамлик вужудга келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришни ўз ичига олиши лозим.

Интернет тармоғидаги ахборот ресурсларида ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифа белгиси ахборот ресурсининг барча саҳифаларида жойлаштирилади. Ёшга оид тоифа белгиси умумий манзарадан ажралиб туриши ва ўқиш учун қулай бўлиши лозим.

20. Томоша тадбирининг намойиш қилиниши бошлангунига қадар ахборот маҳсулоти тегишли белги билан белгиланади. Ёши турлича бўлган болаларга мўлжалланган бир неча турдаги ахборот маҳсулоти намойиш қилинаётганда у энг катта ёшга оид тоифа белгиси билан маркаланади.

Ушбу белги афишаларда ҳамда томоша тадбири ўтказилиши тўғрисидаги бошқа эълонларда, шунингдек, кириш чипталари, таклифномалар ва ушбу тадбирга кириш ҳуқуқини берувчи бошқа ҳужжатларда жойлаштирилади.

21. Даврий ва нодаврий босма нашрларда ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси нашрнинг биринчи саҳифаси ва (ёки) титул варағига жойлаштирилади, у кўз илғашини учун қулай бўлиши ҳамда унинг ўлчами маҳсулотнинг номида ишлатилган шрифт ўлчамига мос бўлган шрифтда ишланган бўлиши лозим.

22. Телевидение ва радиода узатишга, шунингдек, чакана савдо, ижара ёки прокат учун мўлжалланган аудио ва аудиовизуал маҳсулотнинг ёшга оид тоифаси белгиси тегишли равишда оммавий ахборот воситалари ва босма нашрларда эълон қилинадиган, шунингдек, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларида жойлаштириладиган телекўрсатувлар ва радио эшиттиришлар дастурларида, шунингдек, ахборот маҳсулотининг ассортимент рўйхатлари ва каталогларида жойлаштирилади.

Ахборот маҳсулотини тарқатувчилар унинг телевидение ва радио орқали, кино ва видеохизмат кўрсатиш давомида ҳар бир намойиши бошланишидан аввал, шунингдек, компьютер ёки ахборот-коммуникация тармоқларидаги электрон ўйинлар ҳар сафар ишга туширилганда (юкланганда) махсус кадр (саҳифада) унинг ёшга оид тоифа белгиси ҳамда ёшга оид чекловлар тўғрисида овоз (товуш сигнали) ҳамроҳлигида матнли огоҳлантириш жойлаштирилишини таъминлашлари шарт.

Аудиовизуал асар учун ёшга оид тоифа белгиси унинг намойиши бошланганидан сўнг ҳамда ҳар бир реклама танаффусидан сўнг экраннинг бурчагида камида 8 сония давомида намойиш қилинади, фильмнинг кинозалда

очиқ намоиши бундан мустасно. Ушбу белгининг ўлчами экран (кадр) майдонининг камида беш фоизини ташкил этиши лозим.

Агар аудиовизуал асарнинг давомийлиги 8 сония ёки ундан кам бўлса, ёшга оид тоифа белгиси бутун намоиш давомида кўрсатилади.

23. Болалар учун тақиқланган босма асар(нашр)ларда ахборот маҳсулотининг белгиси нашр муқовасининг олд тарафида жойлаштирилиши шарт. Ўлчамига кўра белги муқовада ишлатилган шрифт ўлчамига мос бўлиши лозим.

Босма нашрнинг электрон версиялари, электрон ва аудио китоблар нашрнинг босма версиясида кўрсатилган белгининг айна ўзи билан маркаланади.

#### **4-боб. Ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш тартиби**

##### **1-§. Ахборот маҳсулотининг экспертизаси**

24. Ахборот маҳсулотининг унда болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини, болаларнинг муайян ёш тоифасига мослигини ёки мос эмаслигини аниқлаш бўйича экспертиза Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги қарорига кўра эксперт ёки экспертлар томонидан ушбу Низомга илова қилинган схемага мувофиқ ўтказилади.

25. Экспертиза учун эксперт ёки экспертлар ЎзМАА томонидан экспертизадан ўтказилиши лозим бўлган ахборот маҳсулотининг туридан келиб чиқиб, тасодифий танлаб олиш усули асосида белгиланади.

26. Ахборот маҳсулотининг экспертизаси бир хил мутахассисликка (комиссиявий экспертиза) ёки турли мутахассисликка (комплекс экспертиза) эга икки ва ундан ортиқ эксперт томонидан амалга оширилиши мумкин.

27. Ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ЎзМАА томонидан белгиланган тартибда ахборот маҳсулотининг ишлаб чиқарувчилари ёки тарқатувчилари томонидан қопланади.

28. Манфаатдор шахсларнинг аккредитация қилинган экспертлар реестридаги маълумотлардан фойдаланиши ЎзМААнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайти орқали таъминланади.

29. Экспертларни аккредитациядан ўтказиш тартиби, шунингдек, ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга оширишга ва ахборот маҳсулотининг унда болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини, болаларнинг муайян ёш тоифасига мослигини ёки мос эмаслигини аниқлаш учун экспертизасини ўтказишга жалб этиладиган экспертлар реестрини юритиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тегишли низомга асосан белгиланади.

##### **2-§. Ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш**

30. Ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш тўғрисидаги қарор ЎзМАА томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида мурожаат келиб тушганидан кейин кўпи билан беш кундан кўп бўлмаган муддатда қабул қилинади.

31. Ахборот маҳсулотининг экспертизасини ўтказиш муддати ахборотнинг ҳажмига боғлиқ бўлади, бироқ мурожаат келиб тушган пайтдан эътиборан ўтгиз кундан ошмаслиги керак.

32. Ахборот маҳсулотининг экспертизаси тугагач, экспертлар ахборот маҳсулотида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, унинг муайян ёш тоифасига мослиги ёки мос эмаслиги тўғрисида ЎзМААга уч кун ичида эксперт хулосаларини юборади.

33. Эксперт хулосасида қуйидагилар кўрсатилади:

ахборот маҳсулотининг экспертизаси ўтказилган сана, вақт ва жой;

экспертлик ташкилоти ва эксперт тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, мутахассислиги, мутахассислик бўйича иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими, иш жойи);

эксперт, экспертлар олдига қўйилган саволлар;

ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган тадқиқот объекти ва материаллар;

қўлланган усулларни кўрсатган ҳолда тадқиқотнинг мазмуни ва натижалари;

эксперт, экспертлар олдига қўйилган саволларга асослантирилган жавоблар;

ахборот маҳсулотида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, унинг болаларнинг муайян ёш тоифасига мослиги ёки мос эмаслиги, ахборот маҳсулоти белгисига мослиги ёки мос эмаслиги тўғрисида хулоса.

34. Комиссиявий экспертизада экспертлар қўйилган масалалар бўйича яқдил фикр билдирсалар, эксперт хулосаси шу экспертизанинг ўтказилишида иштирок этган барча экспертлар томонидан имзоланади. Зиддиятлар вужудга келганда ҳар бир эксперт зиддият келиб чиқишига сабаб бўлган масалалар бўйича алоҳида эксперт хулосасини беради. Комплекс экспертизанинг ўтказилишида иштирок этган ҳар бир эксперт эксперт хулосасининг у ўтказган тадқиқотлар баён этилган қисмини имзолайди ва шу қисм учун жавобгар бўлади.

35. ЎзМАА эксперт хулосасини олгандан сўнг уч кун ичида уни мурожаат эгасига юборади.

36. Эксперт хулосаси мавжуд бўлган ахборот маҳсулотининг айланиш соҳаси ўзгарган тақдирда ушбу ахборот маҳсулоти учун бошқа эксперт хулосасини олиш талаб этилмайди.

37. Умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларида экспертиза жараёнида мазмунида:

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш;

уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини тарғиб қилиш;

давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа

сирни ошкор этиш;

миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни қўзғатувчи маълумотлар, шунингдек, фуқароларнинг шаъни, кадр-қимматини таҳқирловчи, уларнинг шахсий ҳаётларига аралашувчи ахборотларни тарқатиш;

ғиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

порнографияни тарғиб қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий ва ўзга жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ҳаракатларни келтириб чиқарувчи материаллар аниқланганда, эксперт (экспертлар) зудлик билан ЎзМААни, Интернет тармоғидаги мазкур ахборот ресурс(лари)нинг идентификацион маълумотларини тақдим этган ҳолда хабардор қилади.

ЎзМАА эксперт(лар)дан ушбу Низомнинг 37-бандида кўзда тutilган маълумотларни олгандан сўнг, Интернет тармоғининг идентификация қилинган ахборот ресурси тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш ва мазкур ресурсларга киришни чеклаш учун ваколатли органга юборади.

### **3-§. Ёшга оид таснифнинг ва ахборот маҳсулоти экспертизасининг ҳуқуқий оқибатлари**

38. Ахборот маҳсулотининг муайян ёш тоифаси белгисига мослиги учун жавобгарлик ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга оширган, шунингдек, ёш тоифаларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказган экспертлар зиммасига юкланади.

39. Эксперт хулосасига мувофиқ ЎзМАА томонидан ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ва тарқатувчиларга болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотлардан ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги ҳолларини, шунингдек, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш учун кўрсатма юборилади.

### **5-боб. Яқунловчи қондалар**

40. Ўзбекистон Республикасининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилигига риоя этилиши юзасидан давлат назорати ЎзМАА, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа ваколатли давлат органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

41. Қонунда ва ушбу Низомда белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ахборот билан болаларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар қонунчиликка мувофиқ қопланиши лозим.

42. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ахборот маҳсулотининг ёшга оид  
таснифларини аниқлаш мезонлари  
хамда уни экспертизадан ўтказиш  
тартиби тўғрисида Низомга  
илова

Ахборот маҳсулотларини экспертизадан ўтказиш  
СХЕМАСИ

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Юридик ёки жисмоний шахс	Ахборот маҳсулотларини уларда болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, уларнинг муайян ёшдаги болалар тоифасига мослиги ёки мос эмаслиги юзасидан экспертизадан ўтказиш бўйича ЎзМААга мурожаат киритади	Мурожаат қиладиган шахснинг хоҳишига кўра
2-босқич	ЎзМАА	Мурожаат асосида ахборот маҳсулотларини уларда болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, уларнинг муайян ёшдаги болалар тоифасига мослиги ёки мос эмаслиги юзасидан экспертизадан ўтказиш бўйича қарор қабул қилади	5 кунда
3-босқич	ЎзМАА томонидан тасодифий танлов асосида танлаб олинadиган эксперт (экспертлар)	Ахборот маҳсулотларини экспертизадан ўтказиш	Мурожаат келиб тушган кундан бошлаб кўпи билан 30 кунда
4-босқич	ЎзМАА томонидан тасодифий танлов асосида танлаб олинadиган эксперт (экспертлар)	Ахборот маҳсулотларини уларда болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, уларнинг муайян ёшдаги болалар тоифасига мослиги ёки мос эмаслиги тўғрисидаги экспертиза хулосасини ЎзМААга жўнатади	Экспертиза тугаганидан кейин 3 кунда
5-босқич	ЎзМАА	Хулосани мурожаат эгасига жўнатади	Экспертиза хулосаси олингандан сўнг 3 кунда

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 22 октябрдаги 848-сон қарорига  
2-илова

**Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш  
соҳасида махсус ваколатли давлат органи томонидан экспертларни  
аккредитация қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи (кейинги ўринларда махсус ваколатли давлат органи деб аталади) томонидан экспертларни аккредитация қилишнинг ягона тартибини, шунингдек, болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот маҳсулотларини ёшга оид таснифлаш учун жалб этиладиган экспертлар Реестрини юритиш қоидаларини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аккредитация** – болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот маҳсулотларини ёшга оид таснифлаш мақсадида жалб этиладиган эксперт мақомини олиш учун ариза берувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг қўйиладиган талабларга мослигини махсус ваколатли давлат органи томонидан расман тасдиқлаш тартиби;

**болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот маҳсулотларини ёшга оид таснифлаш мақсадида жалб этиладиган экспертлар реестри** (кейинги ўринларда экспертлар реестри деб аталади) – болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот маҳсулотларини ёшга оид таснифлаш мақсадида жалб этиладиган экспертлар тўғрисидаги ҳимояланган маълумотлар базаси.

**2-боб. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан  
ҳимоя қилиш соҳасидаги экспертларни махсус ваколатли давлат органи  
томонидан аккредитация қилиш тартиби**

3. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (кейинги ўринларда ЎЗМАА деб аталади) махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

4. Аккредитациядан ўтиш мақсадида мурожаат қилувчи жисмоний шахслар олий маълумотга, махсус билимларга, жумладан, педагогика, ёш психологияси, ёш физиологияси, болалар психиатрияси соҳаларига оид билимларга эга бўлиши лозим.

5. Аккредитациядан ўтиш мақсадида мурожаат қилувчи юридик шахслар ўз штатларида жисмоний шахсларга нисбатан қўйиладиган талабларга жавоб берадиган камида уч нафар мутахассисга ёки улар билан шартномавий

муносабатларга эга бўлиши лозим.

Аккредитациядан ўтиш мақсадида мурожаат қилган юридик шахслар ушбу Низом талабларига мос келганда ЎзМАА уларга болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот маҳсулотларини эксперт ташкилоти сифатида (кейинги ўринларда эксперт ташкилоти деб аталади) ёшга оид таснифлаш ва экспертизадан ўтказиш ҳуқуқини берувчи аккредитация аттестатини беради.

Ариза берувчиларни аккредитация қилиш тартиби ушбу Низомнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

6. Аккредитация учун аризачилар ушбу Низомнинг 2 ва 2а иловаларидаги шакллар бўйича ЎзМААга аккредитация аттестатини тақдим этиш тўғрисида ариза беради. Ушбу ариза аризачи томонидан (жисмоний шахс) ёки юридик шахс номидан иш юритиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан имзоланади.

7. Ариза электрон шаклда юборилганда у электрон рақамли имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим.

8. Аризада экспертиза қилиниши режалаштирилаётган ахборот маҳсулотининг турлари ҳамда аризачининг экспертлик фаолияти соҳалари (педагогика, ёшга оид психология, ёшга оид физиология, болалар психиатрияси, дин, маданият ва ҳ.к.) кўрсатилади.

9. Аризага аризачининг экспертларга ва эксперт ташкилотларига қўйиладиган талабларга мослигини тасдиқловчи қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

экспертнинг тегишли соҳа бўйича олий маълумоти тўғрисида дипломи нусхаси;

мутахассислик бўйича иш стажини тасдиқловчи меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

10. ЎзМАА ариза берган аризачилар бўйича ваколатли давлат ҳокимияти органларидан Юридик шахсларнинг ягона давлат реестри ва Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ягона давлат реестридан кўчирмаларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

11. Ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар ЎзМААга аризачи томонидан бевосита, почта орқали жўнатиш йўли билан ёки Интернет тармоғидаги “Ягона интерактив давлат хизматлари портали” давлат ахборот тизими (кейинги ўринларда ЯИДХП деб аталади) ёки ЎзМААнинг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда тақдим этилади.

12. Ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади ва унинг қабул қилиб олинган санаси кўрсатилган нусхаси аризачига қайтарилади.

13. Ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар почта орқали ёки ЯИДХП ёки ЎзМААнинг расмий веб-сайти орқали тақдим этилганда аризачи ҳужжатлар қабул қилингани ҳақида электрон шаклда тегишли хабарномани олади.

14. Ариза ушбу Низомда белгиланган талабларни бузган ҳолда расмийлаштирилган ва (ёки) аризага илова қилинган ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган бўлса, ЎзМАА ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар

рўйхатга олинган кундан эътиборан 5 иш куни мобайнида аккредитация қилиш мумкин эмаслиги ва ҳужжатларни қайтариш тўғрисида аризачига хабарнома жўнатади (кейинги ўринларда хабарнома деб аталади).

Ариза ва ҳужжатлар электрон шаклда тақдим этилганда аризачига 5 иш куни мобайнида хабарнома электрон шаклда жўнатилади.

15. Аккредитация қилиш учун тўлов ундирилмайди.

16. Аккредитация тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш, аккредитация қилиш, аккредитация қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аккредитацияни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш мақсадида ЎзМАО ҳузурида Эксперт комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) ташкил этилади.

17. Комиссия таркиби ЎзМАО мансабдор шахсларидан ҳамда бошқа ижро этувчи ҳокимият органлари, илмий ва бошқа ташкилотларнинг жалб этиладиган мутахассисларидан шакллантирилади. Комиссия таркиби ЎзМАО Бош директори томонидан тасдиқланади.

18. Комиссия ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан 30 иш кунидан ошмаган муддатда тақдим этилган ҳужжатлар асосида аризачининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар ва суҳбат натижалари асосида аккредитация қилиш ёки аккредитация қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

19. Аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 5 иш кунидан ошмаган муддатда аризачига аккредитация тўғрисида хабарнома бевосита топширилади ёки буюртма почта билан юборилади ёки ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича аккредитация тўғрисидаги аттестат электрон кўринишда юборилади.

20. Аккредитация аттестати ЎзМАО Бош директори ёки унинг биринчи ўринбосари томонидан имзоланади ва бу ҳақда экспертлар реестрига тегишли кайд киритилади.

21. Комиссия томонидан аккредитация қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, ЎзМАО бундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 5 иш куни мобайнида аризачига рад этишнинг сабабларини кўрсатган ҳолда хабарномани топширади ёхуд уни почта орқали юборади.

22. Аккредитация қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор Комиссия томонидан ўтказиладиган суҳбат натижаларига кўра, шунингдек, ариза ва (ёки) унга илова қилинган ҳужжатларда қасддан ёлғон ахборот кўрсатилган ҳолларда қабул қилинади.

23. Аризачи аккредитация қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

24. Аккредитациянинг амал қилиш муддати беш йилни ташкил этади. Янги муддатга аккредитация қилиш экспертнинг аризаси асосида ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

25. Аккредитация тўғрисидаги ҳужжат юридик шахснинг номи, жойлашган манзили, шунингдек, жисмоний шахс, шу жумладан, яқка тартибдаги



тадбиркорнинг исми, фамилияси, отасининг исми (агар бўлса), яшаш жойи, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг реквизитлари ўзгарган тақдирда қайта расмийлаштирилиши лозим.

26. Аккредитацияни қайта расмийлаштириш учун аккредитациядан ўтган эксперт ва (ёки) унинг ҳуқуқий ворислари аккредитацияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани, амалдаги аккредитация аттестатининг аслини ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини ЎзМААга тақдим этади ёки топширилганлик тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда буюртма почта орқали юборади.

27. ЎзМАА қуйидаги ҳолларда аккредитациянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилади:

аккредитация қилинган экспертлар ва эксперт ташкилоти томонидан аккредитацияни тўхтатиб туриш тўғрисида ариза берилганда;

аккредитация қилинган эксперт ёки эксперт ташкилоти фаолиятида ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказишда қоидабузарликлар аниқланганда, шу жумладан, ахборот маҳсулотининг ёш таснифини белгилашда хатоликларга йўл қўйилганда, ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказишнинг белгиланган муддатига риоя этилмаганда;

эксперт ташкилотининг экспертлари сони ушбу Низомнинг 5-банди талабларига жавоб бермайдиган даражада қисқартирилганда.

28. Ушбу Низомнинг 27-бандида назарда тутилган асосларга кўра аккредитация аттестатининг амал қилиши олти ой муддатга тўхтатиб турилади.

29. Қоидабузарликлар аниқлангани муносабати билан аккредитациясининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилинган эксперт ёки эксперт ташкилоти ушбу Низомнинг 28-бандида кўрсатилган давр мобайнида ЎзМААга қоидабузарликларнинг сабаблари ҳақида маълумот, шунингдек, бундан буён қоидабузарликларга йўл қўймаслик юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот тақдим этишлари лозим.

30. Ушбу маълумот белгиланган муддатда тақдим этилмаганда ЎзМАА аккредитацияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

31. Ушбу Низомнинг 27-банди иккинчи хатбошига мувофиқ тўхтатиб турилган аккредитация аттестатининг амал қилишини қайта тиклаш аккредитация қилинган эксперт ёки эксперт ташкилотининг аризаси асосида амалга оширилади.

32. Аккредитация аттестатининг амал қилиш муддати унинг амал қилиши тўхтатиб турилган вақтга узайтирилмайди.

33. Аккредитацияни бекор қилиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

аккредитация қилинган шахснинг ёки эксперт ташкилотининг аризаси асосида;

аккредитация қилинган жисмоний шахс вафот этганда;

эксперт ташкилоти сифатида аккредитация қилинган юридик шахс тугатилганда;

ушбу Низомнинг 29-банди талаблари бажарилмаган ҳолларда;

экспертлик фаолиятини амалга ошираётганда олинган ҳамда давлат, тижорат ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг махфийлиги таъминланмаганда ёхуд бундай маълумотлардан улар тақдим этилган мақсаддан бошқа мақсадда фойдаланилганда;

ариза ва (ёки) унга илова қилинган ҳужжатларда сохта ёки бузиб кўрсатилган ахборот тақдим этилгани аниқланганда;

суднинг қарори асосида;

аккредитация қилинган эксперт ва эксперт ташкилоти ушбу Низомга мувофиқ қўйилган талабларга мос эмаслиги аниқланганда, шунингдек, улар томонидан ишлаб чиқарувчилар билан тузилган шартномаларнинг шартлари сурункали бузилганда;

амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

34. Аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш, шунингдек, уни қайта кучга киритиш тўғрисидаги маълумотлар Экспертлар реестрига киритилади.

### **3-боб. Экспертлар реестрини юритиш тартиби**

35. ЎзМАО Экспертлар реестрини юритади ва унга қуйидаги маълумотларни киритиб боради:

аккредитация қилинган эксперт ёки эксперт ташкилоти тўғрисида;

аккредитация қилинган эксперт ёки эксперт ташкилоти экспертизадан ўтказишга ҳақли ахборот маҳсулотининг тури тўғрисида;

аккредитация тўғрисида қарор қабул қилинган сана;

аккредитация аттестатининг рақами ва берилган санаси;

аккредитациянинг амал қилиш муддати;

аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниши учун асослар ва улар қабул қилинган саналар;

аккредитация аттестатининг амал қилишини бекор қилиш учун асос ва бекор қилинган сана;

аккредитация қилинган экспертлар ва эксперт ташкилотлари томонидан ўтказилган экспертизалар тўғрисида маълумот.

36. Экспертлар реестри бегона одамлар кириши тақиқланган жойларда сақланадиган ва ишлатиладиган электрон манбаларда, ахборотни йўқ қилиш, блоклаш, ўғирлаш ёки ўзгартиришнинг олдини оладиган шарт-шароитларда юритилади.

37. Экспертлар реестрига тегишли қайдни киритиш учун ЎзМАО томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган қарор асос бўлади.

38. Экспертлар реестрига аккредитациядан ўтказиш, аккредитациянинг

амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ва бекор қилиш тўғрисида қайдларни киритиш қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни ичида амалга оширилади.

39. Манфаатдор томонларнинг Экспертлар реестридаги маълумотлардан (экспертлар таркиби, уларнинг исм-шарифлари, лавозимлари, унвонлари, электрон почта манзиллари) фойдаланиш имконияти ЎзМААнинг расмий веб-сайти орқали таъминланади. Комиссия фаолияти ва комиссия аъзолари тўғрисида батафсил маълумотлардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ чекланган.

#### **4-боб. Яқунловчи қондалар**

40. Аккредитация қилинган экспертлар ва эксперт ташкилотлари ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва ушбу Низом талабларига риоя этишлари шарт.

41. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назорати ЎзМАА, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва бошқа ваколатли давлат органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

42. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар  
етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш  
соҳасида махсус ваколатли давлат  
органи томонидан экспертларни  
аккредитация қилиш тартиби  
тўғрисида Низомга  
1-илова

Махсус ваколатли давлат органи томонидан болаларни уларнинг соғлиғига зарар  
етказувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш соҳасида экспертларни аккредитация қилиш  
СХЕМАСИ

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Аккредитациядан ўтиш учун талабгор юридик ёки жисмоний шахс-аризачи	Аккредитация учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаб, ЎзМАА ёки унинг ҳудудий бўлимларига бевосита почта орқали ёки электрон шаклда “Ягона интерактив давлат хизматлари портали” ёки ЎзМААнинг расмий веб-сайт орқали тақдим этади.	Аризачининг хоҳишига кўра
2-босқич	ЎзМАА	1. Рўйхат бўйича ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни аризачига мазкур ҳужжатларни қабул қилиб олганлиги тўғрисидаги маълумотнинг нусхасини тақдим этган ҳолда қабул қилиб олади. 2. Ҳужжатларни кўриб чиқиб: - аккредитация бўйича ишлар ўтказилганлиги; - ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиши ва охирига етказилиши юзасидан қарор қабул қилади.	5 иш кунида
3-босқич	ЎзМАА Эксперт комиссияси	Тақдим этилган ҳужжатлар асосида аризачининг белгиланган талабларга мослиги ўрганиб чиқилади ва суҳбат ўтказиш ёрдамида: - аккредитация аттестатини беради; - аккредитация аттестатини бермаслик тўғрисида қарор қабул қилади.	30 кун мобайнида

4-босқич	ЎзМАО	<p>1. Аккредитация аттестати ЎзМАО Бош директори ёки унинг биринчи ўринбосари томонидан имзоланади ва болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот маълумотларини ёшга оид таснифлашни амалга оширувчи Экспертлар реестрида тегишли тартибда қайд этилади.</p> <p>2. Аризачига аккредитация аттестатини почта орқали жўнатади ёки электрон шаклда тақдим этади.</p>	<p>1. Хужжатларни ўрганиш муддати доирасида</p> <p>2. 5 иш куни ичида</p>
5-босқич	ЎзМАО	<p>Комиссия томонидан аккредитацияга рухсат бермаслик тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолатларда аризачига мазкур қарорни топширади ёки қарор сабаблари кўрсатилган маълумотни почта орқали ёки электрон шаклда тақдим этади.</p>	<p>5 иш куни ичида</p>

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар  
етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш  
соҳасида махсус ваколатли давлат  
органи томонидан экспертларни  
аккредитация қилиш тартиби  
тўғрисида Низомга  
2-илова

**Аккредитация қилиш тўғрисида  
АРИЗА**

*(жисмоний шахслар учун)*

1. Фамилияси, исми ва отасининг исми (агар мавжуд бўлса) \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_
2. Яшаш жойи манзили \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_
3. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_
4. Телефон рақами \_\_\_\_\_
5. Электрон почта манзили \_\_\_\_\_
6. Экспертизадан ўтказилиши режалаштириладиган ахборот маҳсулотининг  
тури \_\_\_\_\_
7. Олий маълумотга эгаллигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг реқвизитлари  
\_\_\_\_\_
8. Иш жойи \_\_\_\_\_
9. Иш стажи \_\_\_\_\_
10. Қўшимча таълимга эгалик тўғрисида маълумотлар \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_
11. Илова қилинган ҳужжатлар рўйхати: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ Имзо

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар  
етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш  
соҳасида махсус ваколатли давлат  
органи томонидан экспертларни  
аккредитация қилиш тартиби  
тўғрисида Низомга  
2а-илова

**Аккредитация қилиш тўғрисида  
АРИЗА**

*(юримдик шахслар учун)*

1. Тўлиқ номи \_\_\_\_\_
  2. Қисқартирилган номи (агар мавжуд бўлса) \_\_\_\_\_
  3. Ташкилий-ҳуқуқий шакли \_\_\_\_\_
  4. Жойлашган манзили \_\_\_\_\_
  5. Телефон рақами \_\_\_\_\_
  6. Электрон почта манзили \_\_\_\_\_
  7. Олий маълумот ва махсус билимларга эга экспертизадан ўтказувчи мутахассисларининг сони \_\_\_\_\_
  8. Мутахассисларнинг олий маълумотга эгаллигини тасдиқловчи ҳужжатлар реқвизитлари \_\_\_\_\_
  9. Мутахассисларнинг иш стажи \_\_\_\_\_
  10. Мутахассисларнинг қўшимча таълим олганликлари тўғрисида маълумотлар \_\_\_\_\_
  11. Экспертизадан ўтказилиши режалаштирилган ахборот маҳсулотининг тури \_\_\_\_\_
- Илова қилинган ҳужжатлар рўйхати: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
*Юримдик шахс  
раҳбарининг имзоси*

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар  
етказувчи ахборотдан химоя қилиш  
соҳасида махсус ваколатли давлат  
органи томонидан экспертларни  
аккредитация қилиш тартиби  
тўғрисида Низомга  
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири**

---

( аккредитация қилувчи органнинг номи)

**Экспертнинг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан  
химоя қилиш соҳасидаги махсус давлат органи – Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида аккредитация қилинганлиги тўғрисида  
АТТЕСТАТ**

№ \_\_\_\_\_

---

(аккредитация қилинган эксперт ёки эксперт ташкилотининг Ф.И.О.)

---

(аккредитация қилинган эксперт (эксперт ташкилоти) ахборот маҳсулотининг тури)

Берилган санаси \_\_\_\_\_

Амал қилиш муддати \_\_\_\_\_

Аккредитация қилган  
органнинг раҳбари \_\_\_\_\_

Мў



Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 22 октябрдаги 848-сон қарорига  
3-илова

**Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга доир маъмурий ва ташкилий чора-тадбирлар, дастурий-аппарат ва техника воситаларига доир талабларни белгилаш тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ёки болаларнинг ёшга оид тоифалари бўйича таснифланган ахборотни ўз ичига олган ахборот маҳсулотининг айланишида маъмурий ва ташкилий чора-тадбирлар, дастурий-аппарат ва техника воситаларига доир талабларни ўрнатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда **маркаланмаган ахборот маҳсулоти** – ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифа белгиси бўлмаган ахборот маҳсулоти атамаси қўлланади.

3. Алоқа хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар асосида Интернет тармоғи орқали тарқатиладиган ахборотдан фойдаланиш имкониятини тақдим этишни назарда тутадиган алоқа хизматлари кўрсатувчи алоқа операторлари болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик қоидаларининг ижро этилиши учун тегишли шартномаларда мустаҳкамлаб қўйилган даражада жавобгардир.

**2-боб. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлаган ҳолда ахборот маҳсулотининг айланишига доир талаблар**

**1-§. Ахборот маҳсулотининг айланишига доир умумий талаблар**

4. Жамоат жойларида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотнинг болаларни бундай ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга доир маъмурий ва ташкилий чора-тадбирлар, дастурий-аппарат ва техника воситаларини қўлламадан айланишига рухсат этилмайди.

5. Томоша тадбири орқали болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олган ахборот маҳсулотининг намоишидан аввал бевосита томоша тадбири бошланишидан аввал тегишли ёшга оид тоифалардаги болаларнинг унда бўлишига рухсат этилмаслиги ёки чеклангани ҳақида товушли огоҳлантириш эшиттирилади.

6. Болаларнинг уларнинг ёшга оид тоифасига мос келмайдиган ахборот маҳсулоти намоиш этиладиган томоша тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этишига рухсат этилмайди.

7. Қуйидагилардан ташқари ҳолатларда маркаланмаган ахборот маҳсулотининг айланишига рухсат этилмайди:

Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ таълим жараёнида фойдаланишга тавсия қилинган ёки рухсат этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари;

олдидан ёзиб олинмасдан эфирга узатиладиган теледастурлар, телекўрсатувлар;

ижтимоий-сиёсий ёки ишлаб чиқариш-амалий тусдаги ахборотни тарқатишга ихтисослашган даврий босма нашрлар.

8. Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олган реклама маҳсулотларини буклетлар, билбордлар, баннерлар, LED ва LCD экранларда ва болалар оммавий ахборот воситалари ёки Интернет тармоғи ресурсларидан фойдаланмасдан олиши мумкин бўлган бошқа жойларда тарқатиш тақиқланади.

## **2-§. Ахборот маҳсулоти айланишининг ўзига хос хусусиятлари**

9. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Интернет жаҳон тармоғидан фойдаланишда ахборот қуйидагича тарқатилади:

таълим муассасаларида – ҳимоя дастурларининг тўпламидан фойдаланган, шунингдек, “ZiyoNET” таълим тармоғига уланган ҳолда;

Интернет тармоғидан жамоавий фойдаланиш жойларида Интернет тармоғидан, шунингдек, аудиовизуал маҳсулот, шу жумладан, ўйинлардан фойдаланишнинг ҳар бир техник воситасида (шахсий компьютер, ўйин қурилмаси, 3D кўзойнак ва бошқалар) ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгисини кўрсатган ҳолда. Интернет тармоғидан жамоавий фойдаланиш пунктларининг эгалари ўз фойдаланувчиларига ёшга оид тоифага мос келмайдиган ахборотдан ва тақиқланган ахборот маҳсулотидан фойдаланишга имконият бергани учун жавобгар бўлади.

Таълим муассасаларида, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш имконияти таъминланадиган ва (ёки) бошқа ахборот-коммуникация тармоқлари орқали хизмат кўрсатиладиган жойларда кўрсатувларни трансляция қилишда болаларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ахборот-дастурий ва техник воситаларини қўллаш ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (кейинги ўринларда ЎзМАА деб аталади) томонидан белгиланадиган бошқа талабларга риоя қилиш лозим.

Интернет тармоғи ахборот ресурсларининг эгалари ахборот маҳсулотининг уни тарқатиш шаклидан қатъи назар, ёшга оид таснифи тўғрисида хабардор қилишлари шарт.

Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи белгиси Интернет тармоғи ахборот ресурсининг у ёки бу ахборот материални кўриш мумкин бўлган саҳифасида жойлаштирилиши лозим.

Ахборот-коммуникация тармоқлари, шу жумладан, Интернет тармоғи орқали тарқатиладиган ахборотдан фойдаланиш имконияти болаларнинг бўлиши

рухсат этилган жойларда Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятини таъминлаётган шахс томонидан болаларни ҳимоя қилишнинг маъмурий ва ташкилий чора-тадбирлари, дастурий-аппарат воситаларидан қўлланиш шарти билан тақдим этилади.

10. Телерадиоузатувчилар болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот маҳсулотининг тарқатилишига йўл қўймаслик бўйича зарур чора-тадбирларни кўрадилар. Агар бундай телерадиодастурлар эфирга кодланмаган шаклда (аналог форматда) узатилаётган бўлса, улардан аввал товушли оғоҳлантириш эшиттирилиши ҳамда кўрсатув аввалида камида 8 сония давомида визуал (товушли) белги кўрсатилиши лозим.

Болаларнинг бўлишига рухсат этилган жойларда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари аввалдан ўрнатилган ҳимоя дастурлари тўпламига эга телерадиоузатиш тизимларига уланиш бўйича чора кўришлари лозим.

Болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулоти теле ва радиоузатиш орқали соат 6 дан 22 гача тарқатилиши тақиқланади, фойдаланиш ёки тинглаш учун фақат пулли асосда, декодлаш техник воситаларини қўллаган ҳолда тақдим этиладиган теле ва радиодастурлар, кўрсатувлар бундан мустасно.

11. Газеталар, шахсларнинг кенг доираси учун, шу жумладан, болаларнинг бўлишига рухсат этилган жойларда тарқатилган босма ва бошқа матбаа маҳсулотининг биринчи ва охири саҳифасида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот бўлмаслиги лозим.

Болалар учун тақиқланган ахборотни ўз ичига олган ахборот маҳсулотининг босма маҳсулот кўринишида болалар бўлишига рухсат этилган жойларда маҳкам беркитилган ўрамда тарқатилишига рухсат этилади.

Болалар учун тақиқланган ахборотни улар учун мўлжалланган таълим муассасаларида, тиббиёт, санаторий-курорт, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларида, маданият, болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш жойларида ёки ушбу ташкилотлар чегарасидан камида 500 метр масофада тарқатилишига рухсат этилмайди.

12. Кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари фойдаланувчиси болалар бўлган ахборотни тарқатишда ахборот тарқатувчилари:

ахборот маҳсулотининг Қонун талабларига мувофиқ берилиши ҳамда ахборот маҳсулоти белгисининг каталогда акс эттирилиши бўйича чора-тадбирлар кўриши;

болалар фойдаланишига рухсат этилган компьютерларда ҳимоя дастурларини ўрнатиш бўйича чора-тадбирлар кўриши;

ўзлари ўтказётган томоша, маданий-оммавий тадбирлар тўғрисида эълонлар, афишалар, ахборот материалларининг маркаланишини таъминлаши;

болаларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир, шу жумладан, кутубхонадан фойдаланувчиларга интернет-ресурслардан фойдаланиш имкониятини яратишда маъмурий, ташкилий, техник ва дастурий-аппарат воситаларининг қўлланишини таъминлаши;

кутубхоналар, ахборот-кутубхона марказлари ва ахборот-ресурс

марказларининг ходимлари ва фойдаланувчиларини Қонун билан кенг таништириш бўйича семинарлар, йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказиши шарт.

13. Интернет тармоғи ва уяли радиотелефон алоқаси тармоқлари хизматлари провайдерлари, Интернет тармоғидан жамоавий фойдаланиш жойларининг эгалари ва маъмурлари болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир маъмурий ва ташкилий чора-тадбирлар кўришлари, техник, дастурий-аппарат воситаларидан фойдаланишлари лозим.

14. Реклама маҳсулотларини буклетлар, билбордлар, баннерлар, LED ва LCD экранларда ва болалар оммавий ахборот воситалари ёки Интернет тармоғи ресурсларидан фойдаланмасдан олиши мумкин бўлган бошқа жойларда тарқатувчилар болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймаслик бўйича маъмурий ва ташкилий чора-тадбирлар кўришлари шарт.

### **3-боб. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир маъмурий ва ташкилий чора-тадбирлар**

15. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир маъмурий чора-тадбирларга қуйидагилар киради:

а) қуйидагиларни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш:

Қонуннинг 16–17-моддалари ҳамда Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини аниқлаш мезонлари ҳамда уни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ахборот маҳсулотига белги бериш ва уни жойлаштириш ва (ёки) ахборот маҳсулоти тўғрисида матнли огоҳлантиришни жойлаштиришнинг тартиб-тамоиллари;

болаларнинг оммавий намоишда, оммавий ижрода, томоша тадбири орқали болалар учун тақиқланган ахборот маҳсулотини намоиш қилишда, агар улар ташкил этилса ва (ёки) ўтказилса, ҳозир бўлишининг шарт-шароитлари;

Қонуннинг 19-моддасига ва ушбу Низом мезонларига мувофиқ равишда эфир ва кабель, теле ва радиоузатиш, Интернет тармоғи ва ҳаракатчан радиотелефон алоқа тармоқлари орқали, болалар бўлишига рухсат этилган жойларда тарқатиладиган болалар учун тақиқланган ахборот маҳсулоти ва унинг қисмларининг айланишига доир қўшимча талаблар;

болалар учун тақиқланган ахборот маҳсулоти айланаётган жойларда бўлган шахсларнинг болаларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш зарурлиги тўғрисида хабардорлигини оширишга қаратилган болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузишнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган тартиб-таомиллар;

б) хизмат мажбуриятларига болалар учун тақиқланган ахборот маҳсулотининг айланишини ташкил этиш ва амалга ошириш кирадиган ходимларни болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш талаблари билан, ушбу соҳага алоқадор қонунчилик ҳужжатлари билан таништириш;

в) болалар учун тақиқланган ахборот маҳсулоти айланишининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир маъмурий ва ташкилий чора-тадбирларни қўллаш учун ҳамда уларни қўллаш тартибини текшириш учун масъул ходимни тайинлаш;

г) болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир қўлланилаётган маъмурий ва ташкилий чора-тадбирлар 13-бандининг “а” кичик бандига асосан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи ички назоратни амалга ошириш:

Ўзбекистон Республикасининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилиги бузилгани, шу жумладан, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир қўлланилаётган маъмурий ва ташкилий чора-тадбирлар Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини аниқлаш мезонлари ҳамда уни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ эмаслиги, шунингдек, болалар улар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборотдан фойдаланиш имкониятига эгаллиги тўғрисида ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ва бундай ариза ва шикоятларни Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ кўриб чиқиш натижалари тўғрисида асосланган жавоб йўллаш;

болаларнинг улар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборотдан фойдаланиш имкониятига эгаллиги тўғрисида келиб тушган ариза ва шикоятларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар кўриш.

16. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир ташкилий чора-тадбирларга қуйидагилар киради:

ҳамма кириши учун очик бинолар ва жойларда ушбу Низом 13-бандининг “а” кичик бандига мувофиқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жойлаштириш ҳамда улар ҳақидаги маълумотларни турли воситалар орқали аҳолига етказиш;

болалар учун тақиқланган ахборот маҳсулотининг айланишини амалга оширувчи ишлаб чиқарувчи ва (ёки) тарқатувчининг Интернет тармоғидаги расмий сайтида ушбу Низом 13-бандининг “а” кичик бандига мувофиқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, маъмурий ва ташкилий чора-тадбирларни қўллаш тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва кўрсатиб ўтилган ҳужжатлардан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

телекоммуникациялар операторлари ва провайдерлари, оммавий ахборот воситаларининг (кейинги ўринларда ОАВ деб аталади) мажбуриятларини

белгилаш билан боғлиқ тадбирлар, тарғибот ва таълим (медиатаълим) тадбирларини ўтказиш, ОАВ учун этика стандартларини жорий қилиш ва уларга риоя этиш, ОАВни болаларнинг ижтимоий, интеллектуал ва маданий жиҳатдан ҳар томонлама ва баркамол ривожланишига хизмат қиладиган ахборот ва материалларни тарқатишга рағбатлантириш ва ҳоказо.

#### **4-боб. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашнинг дастурий-аппарат ва техник воситалари**

17. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашнинг Интернет тармоғи, теле ва радиоузатиш, мобил алоқа тармоқлари орқали тарқатиладиган ахборотдан фойдаланиш имкониятини тақдим этишда қўлланадиган дастурий-аппарат ва техник воситаларига қуйидагилар киради:

Интернет тармоғидаги сайтларда жойлаштирилган болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборотдан фойдаланишни чеклаш воситалари;

болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ҳамда теле ва радиоузатиш, мобил алоқа воситалари орқали тарқатиладиган ахборот маҳсулотидан фойдаланишни чекловчи декодлайдиган техник воситалар;

фойдаланишни блоклаш воситалари, фойдаланишни чеклаш воситалари, контентни филтрлаш воситалари, фойдаланишни назорат қилиш воситалари, шунингдек, ахборотдан фойдаланиш имкониятини тақдим этишда болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлайдиган бошқа дастурий ва техник воситалар.

Интернет, телевидение ва радиоэшиштиришлар, уяли алоқа тармоқлари орқали тарқатиладиган ахборотдан фойдаланишни чеклаш шартлари лицензия шартномаларида ва телекоммуникация хизматлари кўрсатиш шартларида назарда тутилади.

18. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашнинг томоша тадбирлари орқали тарқатиладиган ахборотдан фойдаланиш имкониятини тақдим этишда қўлланадиган дастурий-аппарат ва техник воситаларига товушли ёки матнли тарзда ёшга оид чекловлар тўғрисида хабардор қилиш воситалари киради.

#### **5-боб. Ушбу Низомни амалга оширишнинг ҳуқуқий оқибатлари**

19. Қонунни, шунингдек, ушбу Низом талабларини амалга ошириш ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини, ахборот маҳсулотининг айланишини ёхуд унинг аҳоли, шу жумладан, болалар кириши учун очиқ бўлган жойларда намоишини амалга оширган субъектлар зиммасига юкланади.

20. Оилаларда қонунчилик талабларини амалга ошириш, шунингдек, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир дастурий-аппарат ва техник воситаларни қўллаш ота-оналар ёки бошқа қонуний вакиллар зиммасига юкланади.

21. Эксперт хулосасига мувофиқ ЎзМАО томонидан ахборот маҳсулотини

ишлаб чиқарувчилар ва тарқатувчиларга болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилса, шунингдек, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш учун кўрсатма юборилади.

#### **6-боб. Яқунловчи қондалар**

22. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назорати ЎзМАН, бошқа ваколатли давлат органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

23. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик, шунингдек, ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.